

Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ.

Жон ЛОКК



ҒОЛИБЛИК РУҲИНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН КУРАШЛАР

Ўзбекистон таълим тизимида узуқусликнинг таъминлаш чора-тадбирлари халқро доираларда ҳам эътироф этилмоқда. Худди шу маънода олий ўқув юрлари талабаларининг "Универсиада" мусобақалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқувчи-ёшларининг "Баркамол авлод" спорт ўйинлари сафига бош бўлган сифатида "Олимпиада умидлари" мусобақаларининг ҳам қўшилиши юксак аҳамиятга молик воқеадир. Бугунги мактаб ўқувчиси бўлган ёш спортчилар чинакам спорт курашларига тайёрланганда ушбу бахсларнинг ўрни бекиёс. "Олимпиада умидлари-2001" катнашчилари орасида ҳали ёш бўлса-да, нуфузли мусобақаларда ғолиб чиқиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган, келажагига катта умид боғланаётган ёш спорт юлдузларининг борлиги қувонарли хол. Темури Гареев, Антон Филиппов (Тошкент шаҳри), Жўрабек Хамроқулов (Самарқанд), Оксана Суҳачева (Наманган), Юлдуз Хамроқулова (Жиззах) каби ёш юлдузларимиз бир қанча нуфузли халқаро мусобақалари очик деб

чиқиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарганлар. Тошкентдаги бахсларда яна янги иқтидорлар кашф қилиниши шубҳасиз. Улар давлатимиз ва ҳукумати томонидан ўзларига берилган эътиборни чуқур аглаб, ўз устидаридан янада жиддий ишлашга интиладилар, янада нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, мустақил Ўзбекистон шўхратини оламга ёядилар. "Олимпиада умидлари" бахслари уларда ғолиблик туйғусини тарбиялаши билан ҳам аҳамиятли.

21 май куни МХСК стадионида "Олимпиада умидлари-2001" дастурига кирувчи энгил атлетика бахсларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда сўзга чиққан "Ёшлик" КСЖ раиси Муҳаммадали Хайдаров ушбу мусобақа иштирокчилари орасидан 2004 йили бўладиган навбатдаги бутунжаҳон Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган етуқ спортчилар етишиб чиқишига ишонч билдирди. Ўзбекистон мадҳияси янграб, барча жамоалар сардорлари иштирокида байроқ кўтарилган, энгил атлетика мусобақалари очик деб

эълон қилинди.

Шундан сўнг дастлабки бахс — 400м. га эстафетали югуриш мусобақаси бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, бу энгил атлетиканин энг қизиқarli турларидан бўлган жамоавий кураш бўлиб, ҳар бир жамоадан 4 нафардан ёш спортчилар иштирок этишди. Уғил болалар ўртасида ғолиблик 46,6 секунд натижа кўрсатган Андижон жамоасига насиб этди. 2-ўринни Сирдарё, 3-ўринни Фарғона жамоалари эгаллашди. Қизлар ўртасида эса 52,1 секунд натижа билан Тошкент шаҳри вакиллари эгалланган бўлсалар, 2-ва 3-ўринларни Наманган ва Самарқанддан келган чопқир қизлар эгалладилар.

Энгил атлетика бахсларини халқро тоифадаги ҳакам Михаил Хлебов бошчилигидаги ҳакамлар гуруҳи бошқариб бормоқда.

Ҳаёт—курашлардан иборат. Бугун спорт майдонларида кураш олиб бориб, чинкаётган болалар келажагда турмуш ташвишлари олдида ўзини йўқотиб қўймасдан, жамиятда ўз ўрнини топадиган, миллат, халқ, Ватан учун курашишга, меҳнат қилишга қодир етуқ инсонлар бўлишларига шубҳа йўқ. (Давоми 4-бетда)

Ma'rifa!

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЭИЪЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 23 май, чоршанба Баҳоси соғувда эркин нархда № 40 (7339)

Kuch - bilim va tafakkurda

Ibrat

Сирдарё вилояти Боёвут тумани марказида 450 ўринга мўлжалланган янги коллеж биноси қурилмоқда. Шунингдек, коллеж ётоқхонаси ва устахоналарини барпо этиш ҳам жадал суръатда бормоқда.



ТАЪЛИМ

ОДИ

ТАЪЛИМЛАРИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 77-ўрта мактабда 4-«В» синф ўқувчиларининг таътилга чиқиш олдида жонажон мактаб билан хайрлашув кечаси бўлиб ўтди. «Хайр мактаб, салом ёз» деб номланган ушбу кечада бошлангич синф ўқувчилари ва ота-оналари ҳамда бир қанча меҳмонлар иштирок этдилар. У ерда ҳозир бўлганларга ўқувчилар устоз-

Tadbir

лари — олий тоифали ўқитувчи С. Қобулова раҳбарлигида ўзларининг 4 йил давомида олган билимларини намоён қилишиб, куй ва кўшиқлар ҳам ижро этишди. Шунингдек, мазкур тадбирга таниқли қизиқчи Валижон Шамсиев ва

бошқа санъаткорлар ташриф буюришиб, ўзларининг қизиқarli қишлари билан барчага завқу шавқ бағишлади.

Райхон ХОЛМУРОВОВА
Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Равиль АЛЪБЕКОВ олган суратлар.

Бугун юртимиз ўғил-қизлари ўз иқтидор ва билимлари билан дунёни лол қолдирмоқда. Албатта, бу ҳам мустақилликнинг бир наъмати. Чунки ҳукуматиимизнинг ёшларга эътибори ва уларнинг оғина интилиши ва изланишлари бу ютуқларга омил бўлмоқда.

Куни кеча Ўзбекистонлик икки ўқувчининг Москва шаҳрида химия фанидан 35-мартаба ўтказилган мактаб ўқувчиларининг Менделеев номидаги Халқро олимпиадасида иштирок этиб қайтиши ҳам бугунги ёшларимизга ҳукуматиимизнинг қанчалик эътибор бераётганига далилдир.

—Ҳамдўстлик давлатлари ва Болтиқбўйи давлатларидан ташриф буюрган 83 нафар ўқувчи иштирок этган ушбу фан олимпиадасида Навоий шаҳридаги 19-лицейнинг 11-синф ўқувчиси З.Исоқова ҳамда Тошкент шаҳридаги 110-мактабнинг 11-синф ўқувчиси В.Столяренко ҳам йиғилганларга ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Химия жамияти раҳбари Севара Икромова.

Ҳа, бугунги ёшларимиз ўзларининг билим олишга бўлган чанқоқликлари ва дунёқарашлари билан бошқалардан фарқ қилади. Чунки уларнинг вужудларида улғу боболари Беруний, Ибн Синолар қони уфурмоқда. Демак, биз аждодларга

АЖДОДЛАРИНИНГ МУНОСИБ ФАРЗАНДАРИ

муносиб фарзандлар бўлиб етишмоғимиз даркор. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов айтганларидек, "XXI аср интеллектуал ёшлар асри бўлади". Бу эса бизнинг ёшларимиздан ҳам улкан масъулият ва билим талаб қилади.

Уч босқичда ўтказилган олимпиадаларда ўқувчилар химия фанидан олган назарий ва амалий билим ҳамда кўникмаларини яна бир бор синовдан ўтказишди. Олимпиада якунларига кўра, Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Тошкент шаҳрининг 110-мактаб ўқувчиси Василий Столяренко учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди ва халқро олимпиаданинг учинчи даражали дипломи билан тақдирланди.

—Албатта, бу ютуқ биз учун қувонарли, — дейди сўзини давом эттириб Ўзбекистон Химия жамияти раисаси Севара Икромова. — Чунки ишонаманки, келажагда бу ўқувчилардан юртимиз химия сановатининг ривожига муносиб хизмат қилувчи кадрлар етишиб чиқади. Аммо энг қувонарлиси шуки, олимпиада ўтказилаётган кунларда юртимиз раҳбари Ислоом Каримовнинг Россия давлатига иккинчи бор давлат ташрифи билан келиши бизни руҳлантириб юборди. Зеро, Президентимизнинг Москва Давлат университетига ташрифи чоғида биз ҳам ўша ерда эдик. Учрашувлар якунланган, ўша ерда бизни Юртбошимизнинг ўзлари келиб кутлади ва ўқувчиларимизга омадлар тилади. Бу эса, албатта, ўқувчиларимиз қалбидан умрбод муҳрланиб қолади.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

ҚИШЛОҚДА ХАМ БОҒЧА-МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУР

2001 йилнинг 25 апрелида бўлиб ўтган Навоий вилояти ўқитувчилари конференциясида Ўзбекистон Республикаси ўқитувчилари анжуманига вакил этиб сайландим. Конференцияда иштирок этган илғор ўқитувчилар ўз тажрибалари ҳақида сўзладилар. Шунингдек, қишлоқда мактабгача таълими яхшилаш, мактаблар учун алоҳида тиббий ходим ажратиш, мактаб-боғча мажмуаларини ташкил этиш, абитуриентларни олий ўқув юртларига минтақалар бюуртмаси асосида қабул қилиш каби муаммоларни кўтаришиб, уларни ечиш бўйича таклиф-мулоҳазаларни билдиришди.

Республика ўқитувчилари анжуманида вилоятдаги ҳамкасбларим билдирган мулоҳазалар билан бирга республика миқёсида фанларни ўқитиш дастурлари асосида ДТС талабалари даражасидаги кўргазмаларни қуроллар тўпламлари — деопозитив, кодпозитив кинофильмларни ишлаб чиқиш, чуқур ўқитилган фанлар бўйича ҳар бир синфнинг дастур-режаларини ДТС тўпламининг 8-китоби шаклида нашр этиш сингари таклифларини айтишни режаларияман... Хуллас, биз республика

ўқитувчилари анжуманида нафақат муаммо ёки таклифларни кўтарамиз, балки иш тажрибаларимиз билан ҳам ўртоқлашамиз.

Сафия МИРЗАЕВА,
Навоий вилояти
Навбахор туманидаги
30-ўрта мактаб
ўқитувчиси

ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейинги ўн йиллик

б о с и б ўтган тараққиёт йўли асрларга арзигулик мазмун ва самара касб этмоқда. Мустақилликнинг дастлабки

кунлариданоқ республикамизда таълимнинг ривожига, келажагимиз ворислари бўлиши ёшларнинг истикболи билан боғлиқ долзарб масалаларга энг устувор соҳаларнинг бири сифатида қаралиб, ёш авлоднинг таълим-тарбиясига ғамхўрлик қилиб келинмоқда. Жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий негизи тубдан ўзгарди. Бу эса таълим-тарбия соҳасида мунтазам эътиборни, фидоийликни, келажақ олдида чуқур масъулиятни талаб этади. Айни пайтда таълимни замонавий талаблар дара-

Anjuman oldidan

жасига кўтариш ва таълим-тарбия соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Мактабларда таълимнинг техник воситалари, ўқув-кўрсатмалар қўлланмалари етишмайди, борлари ҳам жуда эскириб қолган. Ўқитувчи ва раҳбар кадрлар масаласи ҳам кўнгилдагидек эмас. Сабаби, тирриқчилик учун ишлайдиганлар ҳамон ўраб туради, аксар мактаб раҳбарлари

ўз "суянчиқ"ларига таяниб бемалол иш юри таверди. Унга то б е ўқитувчилар эса "тинч юриш"ни афзал кўради. Ношуд ўқитувчи ўзининг ҳамма камчиликларини билади. Шунинг учун у раҳбарлар бетиға тик қарамайди. Яъни, икки томон ҳам бир-бирини қаноатлантиради. Шундан келиб чиққан ҳолда таълим соҳаси кўп талафот кўради. Таълим самарадорлигини ошириш учун ўқувчилар 5-синфдан бошлаб билими, қобилияти, қизиқишларига қараб табақалаштирилган синфларга умумий ўрта таълим мактабларининг ҳисоб рақамларини очиб, ўз-ўзини бошқариш тажрибасини кенг ёйиш лозим. Чунки, ўз

ҳисоб рақамларини очган мактаблар хўжалиқлардан ер олиб ёки бошқа тадбиркорлик ишлари билан моддий-техника базаларини бойитиш борасида анча ишлар қилиб қўйди. Ҳатто "миллионер" мактаблар пайдо бўлди. Афсуски, баъзи раҳбарларнинг рухсатисиз ҳамон ўз ҳисоб рақамларини оча олмай "тинчгина юрган таълим муассасалари ҳали кўпчиликни ташкил этади.

Умуман, мактаб ислохотининг жадаллик билан амалга оширилишида юқорида кўрсатиб ўтилган кўсурлар тўсқинлик қилмоқда. Бу ишларни тез, изчил ва сифатли амалга ошириш учун янгилашни йўлидаги ислохотларни ўринли бажариш лозим.

Ислохотни амалда таъминлаш учун мактаб таълим-тарбия шароитлари ва услубларини сифат жиҳатидан янада такомиллаштириш талаб этилади. Ишни муваффақиятли амалга ошириш учун инсон омилдан фойдаланиши, яъни ўзи ўқитадиган фанини пухта биладиган, билим масканини тадбиркорлик билан бошқарадиган, таълим-тарбиянинг илғор усул ва услубларини ўйунлаштира олган, ижодий ишлайдиган ўқитувчи ва раҳбарларга таяниш лозим.

А.РАСУЛОВ,
Жиззах ВПХМОН ХТБ ва мактабшунослик бўлими бошлиғи

Бугун мени болалик хотиралари яна ўз асирига айлантирди. Эрта-индин чалинажак сўнгги кўнгирик садолари бугун қулоғимга эшитилмоқда.

Сўнгги кўнгирик! Бу кўнгириқнинг садоси бизни қанчалик завқлантириб хаяжонга солган бўлса, эрта-индин эндигина мактаб остонасидан учирма бўлишга шайланган ўқувчиларимиз ҳам шу кунларда мана шундай хаяжон оғушида.

Сўнгги кўнгирик! Мен ўшанда орзуларим осмонлар қадар юксак, хаёллари зилол сувларидек беғубор қизалоқ эдим. Кўнгириқнинг садоси менга ва синфдошларимга айрилиқ муқаррар эканлигини билдириб жаранлаганда негадир ҳаммамиз суёнубмиш. Энди биз ҳам катталар сафига қўшилиб, меҳнатимиз, ҳатти-ҳаракатларимиз билан ота-онамизга, акаларимизга, опаларимизга тенглаша оламиз, деб. Яна суёнубмиш, энди бизни дарсга кир, имтиҳонга тайёрланиб кел, ўқишга фақат мактаб формасида келгин, деб ҳеч ким урушмайди, деб. Аслида, ҳаётимиздаги энг катта терговлар, энг катта имтиҳонлар олдида турган экан.

Бугун бизга қалам ушлаб ёзишни ўргатган, ҳарф танитган устозимни соғинаман. Азиз муаллимимга кўзларидан севиноч ёшлари қалқиган битирувчилар даста-даста гуллар тақдим

САДОМ, ОЎЖАТНИ ҚЎЎҒИРОҚ!

қилаётган бўлса керак, деб ўйлайман. Она тили ва адабиёт, математика, химия, физика фанларидан бизларга зўр сабот ва чидам билан билим берган устозларимни битирувчи синфдаги укаларим, сингилларим бағирларига босиб чин дилдан миннатдорчилик билдираётганларини ҳис қилиб, қалбимда уларга нисбатан оғина "гина" пайдо бўлмоқда, бугун. Нега мен уларнинг ўрнида эмасман, нега мен бугун мураббийларимга юрак сўзларини айта олмаётман. Ахир, етти йилдан буён устозларим берган сабоқлардан ҳулосалар чиқариб яшаётиман-ку. Улардан олган ҳар бир ўғити насихатлар бугун менинг ҳаёт йўлида ҳам йўлдош бўлмоқда-ку?

Нега мен сўнгги кўнгирик кўни мактабимга, биздан кейин ўша даргоҳда ўқийдиган кичкинтой ўқа-сингилларимга бирор эсдалик совға, бир неча китоблар қолдирмадим? Ва, ниҳоят, нега мен бугун устозларимни йўқламай қўйдим? Улар зиёратига нега бормай қўйдим?

Эрта-индин барча мактабларда сўнгги кўнгирик жаранлайди. Эрта-индин менинг устозларимнинг ҳам кучоқлари ранго-ранг гулларга қўмилиб кетади. Уларга энг эзгу, қалбнинг тубидан чиққан тилақлар билдирилади: "Бахтимизга соғ бўлинг, устозлар", "биз каби қўлида қаламу китоб ушлаб, бирор ҳарф танимай турган қора-қўзларга ҳаёт маъини кўрсатувчи йўл бўлинг, муаллимлар", "сенга ҳаммаша таъзимдадим, қадрдон мактаб".

Шарифа МУРОДЖОН қизи



• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов Оқсаройда АҚШ Куролли Кучлари Марказий кўмондонлиги бош кўмондони Томми Франксни қабул қилди ва суҳбат чоғида ҳарбий соҳадаги икки томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

• Урганчда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида жорий йилда сув тақчиллиги оқибатларини энгиллаштириш бўйича махсус ҳукумат комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков раислигидаги сайёр йиғилишида сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этишга доир чоралар мажмуи муҳокама қилинди.

• "Новости" ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, шу йил 16 июль куни Словения пойтахти Люблянада АҚШ президенти Жорж Буш ва Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин ўртасида учрашув бўлиб ўтади.

• Покистонда об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида ҳаво температураси 45 даражача етаётгани ва оқибатда ҳозиргача бир неча ўнлаб кишиларнинг ҳаётдан кўз юмгани маълум қилинмоқда.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазириликда республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида умумтаълим мактаблари битирувчиларининг мустақиллик йилларида юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида қанчалки мукамал билимларга эга эканликларини аниқлаш мақсадида ва кўпсонли битирувчи синф ўқувчиларининг илтимосларини инобатга олиб, "Иншолар танловини ўтказиш ҳақида"ги буйруқ қабул қилинди.

Буйруқда қайд этиладики, 2000-2001 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг таълим қайси тилда олиб борилишидан қатъи назар 11-синфларини битираётган ўқувчиларнинг яқини аттестацияси таркибидоги она тили ва адабиёт фанидан ўтказиладиган иншо мавзулари (Республика Таълим маркази томонидан тавсия

этилган мавзулардан ташқари 4-бўлим сифатида) "Истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида мамлакатимиз Президентига нималар ҳақида ҳикоя қилган бўлар эдим" мавзуси киритилиб, энг яхши иншо учун танлов ўтказилади.

Танловнинг республика босқичини ўтказиш юзасидан ташкилий кўмита, ҳакамлар ҳайъати таркиби ва Низом 1,2,3-иловаларига асосан тасдиқланади. "Таълимсавдо" Бош бошқармаси 3 та биринчи, 3 та иккинчи ва 3 та учинчи ўринларни эгаллаган танлов голиблари учун қимматбахо мукофотлар таъсис этганлиги маълумот учун қабул қилинади.

Буйруққа қўра Республика Таълим марказига танловнинг республика босқичида иштирок этган энг яхши иншоларни тўплам сифатида нашр этиш вазифаси юклатилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилик, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими

бошқармаларига эса иншо-лар танлови ўтказилаётгани ҳақида бекор тарғибот ишларини олиб боришни йўлга қўйиш ва ҳар бир битирувчи бу ҳақда хабардор бўлишини таъминлаш, танловнинг мактаб, туман ва вилоят босқичларининг голибларини муносиб тақдирлаш чораларини кўриш ва биринчи, иккинчи, учинчи босқичларда ҳам мукофотлар белгилашни таъминлаш топшириқлари берилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилик ва бошқармалар танлов голибларининг иншоларини Низомда белги-ланган муддатлардан кейин қирмай юқори босқичлардаги ҳакамлар ҳайъати-га топширилишини ташкил этадилар.

Буйруқда "Маърифат" ва "Учитель Узбекистана" газеталари муҳаррирларини энг яхши иншоларни ўз газеталари саҳифаларида бериш ҳам қайд этилган.

Тарихни ўқитишнинг ҳозирги замон педагогик технологияси-га янгиликлар киритишимиз ҳамда ҳар бир ўқувчининг ўз фикрини эркин баён этишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоғимиз даркор. Бунда янги педагогик технология таълим-нинг маълум мақсадга йўналтирилган воситалари шаклларида фойдаланишимиз мумкин бўлади. Айниқса, тарих фанини ўқиб-ўрганишда ўқув йўналиши алоҳида ўрин эгаллайди. Бу усулдан фойдаланиш ўқувчиларда сиёсий он-ни ривожлантириш, нутқини ўстириш, кенг қамровли фикрга эга бўлиш каби хусу-сиятларни шакллантиради. Аввало, дарс мақсадини тўғри бел-гилаб, мавзунинг асосий ғояси-га диққатимизни жалб этишимиз зарурдир. Шу маънода мен ўз тажрибамдан келиб чиққан ҳолда дарс мобайнида ўқувчи-нинг эркин фикр юритиши учун мулоқот, мунозара, тортишувлар-га кенг имконият яратиб бера-

улликни, гўзалликни, меҳр-шафқ-атни, самимийликни, умуман ол-ганимизда инсонпарварликни, кўз илғамас хис-туйғуларни шакл-лан-тиришимиз мумкин. Миллий ўзликни англашда, миллий бир-лиكنи шакллантиришда шажара-миз улуғлиги, поклигини билиш ва қадрлаш муҳим эканлиги синфдан ташқари олиб борилаётган тўғрақ ишларимизда бахс, мунозара, акс-садо ўйинларида ота-боболари-миз, аجدодларимиз, улусларимиз тарихи шажараларини ўргатиб бо-ришни белгилаб олсак, ўқувчилар ўзларининг қандай қавм, элат ва миллатдан эканлигини билиб ола-ди. Чунки улар ўзларининг ота-боболарининг ўтмиш тарихи билан фахрланилади, уларнинг ибратли, улуғвор йўлларини муносиб да-вом эттирувчилар бўлиб етишад-и. Дону боболаримиз "Ҳар бир киши ўзининг 7 авлодини били-ши керак" деб бежиз айтишмаган.

куйидагича: Дарсни ташкил қилиш: а) саломлашиш, синфнинг дар-са ҳозирлигини текшириш. б) ўқувчилар диққатини дарс-га жалб этиш. Дастлаб дарс жараёни шпор, яъни "Тарихни тугал билмаслик— бу гумроҳликдир" сўзлари билан бошланади, бу билан болалар чу-қур маъно ва мазмунга эга тарих фанини чуқурроқ ўрганишга ин-тилади. Ватанимизни мадҳ этувчи шеърлар айтылади. Ҳозирда Ватанимиз равнақи, тараққиёти ҳақида ўз фикрларини қисқа баён қилиб, доскага ол-диндан ёзиб қўйилган мавзу ре-жазига боғлаб гапиради. Масалан: Мил. аввалги VI-VII асрларда Ўзбекистон ҳудудида қандай қабилла, элатлар яшаган? Этнос, этник бирлашма нима? Бу савол-лар ҳозирги миллат, элатларни ҳамда ўз улуслари тарихини фикр-лаб гапириб беришга ундайди.

Бухоро шаҳри Уриқий кўчаси 3-уйда яшовадан: М.Ҳабибовадан: Савол: — Ма-лака ошириш ин-ститутида таъ-лим берган ўқувчилар им-тиёзли педаго-гик стажга эга бўладиларми-йўқми?

— Хатингизда ёзишингизча 1969 йилда Бу-хоро педагогика институтини битириб, 1975 йилдан 1982 йилгача ўқитувчилар малакаси-ни ошириш институтида услубийчи бўлиб ишлагансиз, 50 ёшга тўлиб, имтиёзли нафа-қага чиқишда ўқитувчилар малакасини оши-риш институтидаги 7 йиллик иш фаолиятин-гиз(стажингиз) имтиёзли нафақага кирмаган-лигиз ҳақида ёзибсиз. Ҳақиқатан ҳам 12 май 1994 йилдаги Вазирилар Маҳкамасининг 250-рақамли қароридоги 3-руйхатга, яъни нафа-

Ma'rifa! маслаҳатхонаси

кага 5 йил олдин чиқиш ҳуқуқини берувчи руйхатда таълим муассасалари ҳамда лавозим-лар ичида, сиз меҳнат қилган таълим муасс-асалари тури ва услубийчилар лавозимлари кўрсатилмаган, шу сабабли имтиёзли нафа-қага чиқиш ҳуқуқига эга эмассиз.

Хоразм вилояти, Урганч тумани "Истиқ-бол" жамоа хўжалиги 20-бригадасида ис-тиқомат қилувчи Худойназар Юсуповдан:

Савол: — Компьютер зарари учун бери-ладиган қўшимча ҳақ бекор қилинганми, агар бекор қилинган бўлса вазириликнинг қайси қарорига мувофиқ?

— Ноқулай меҳнат шартларида ишлаётган ҳақида ноқулай меҳнат шартлари ишлар руйха-тида меҳнат қилаётганларга Ўзбекистон Рес-публикаси Халқ таълими вазириликнинг 03/02-1191 рақамли 15.10.90 йилдаги хатдада ўқитувчиларга, лаборантларга қўшимча ҳақ тўлашни қўзда тутилган эди. Ўзбекистон Рес-публикаси Меҳнат кодексининг Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган 21.12.1995 йилдаги 162-1 рақамли ҳамда бу масала юзасидан республика Меҳнат вазири-лиги 17.06.96 йилдаги 770/04-2 тушунтириш хати орқали 1 апрель 1996 йилдан ноқулай меҳнат шартлари учун (информатика ва ҳисоб-лаш машиналарида ишловчи ўқитувчиларга) қўшимча ҳақ тўлашни бекор қилинди.

Саволларга Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касабга уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Й.АХМЕДОВ жавоб берди.

“Истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида мамлакатимиз Президентига нималар ҳақида ҳикоя қилган бўлар эдим” мавзусидаги иншолар танлови НИЗОМИ

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШДАН МАҚСАД

Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг юртимиз истиқлолга эришгунча босиб ўтган тарихий йўли ҳақида нечоғ-лик билимга эга эканликларини, "Мустақил-лик" тушунчаси уларнинг қалбидан қан-дай ўрин олгани, Республикаимиз Прези-денти Ислам Қаримовнинг мамлакатим-изни мустақилликка олиб чиқишдаги ро-лини, босиб ўтилган тарихан қисқа - 10 йил давомида мамлакат ички ва ташқи сиёсати мазмунда қандай ўзгаришлар юз бергани, Юртбошимизнинг Ўзбекис-тон аталмиш Ватанимизнинг дунё ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун қилаётган саъй-ҳаракатлари тўғрисида бизни дунё танигани, "Ўзбекистон бугун тенглар ичида тенг" иборасининг мазму-ни, иқтисодий юксалиш - ишлаб чиқариш-га янги технологиялар ва инвестициялар-нинг олиб қилиниши, илгари собиқ Ит-тифокнинг хом-ашё базаси бўлган ўлка-да бугун янги турдаги тайёр маҳсулот-лар ишлаб чиқарувчи юзлаб корхоналар-нинг бунёд этилиши, мулкка бўлган му-носабатларнинг ўзгариши ва ижтимоий ислохотларнинг бориши — мустақиллик тўғрисидаги йиллик тарихга эга бўлган аъналаримиз ва қадриятларимизнинг қайтарилиши, ёшлар учун яратиб берил-ган имкониятлар — Президентимиз та-шаббуси билан "Қадрлар тайёрлаш мил-лий дастури"нинг яратилиши ва унинг мазмун-моҳияти нимага қаратилгани, "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Она-лар ва болалар йили" нима мақсадларда эълон қилингани ва шу йилларда ўқувчи-ларимиз ўзини яшаётган қишлоқ ва ша-ҳарларда қандай ўзгаришлар бўлганини нақадар теран англаганликларини аниқ-лаш, ана шу ўн йилда нималарга эришил-ди, нималарга эътиборни қуйиштириш ло-зимлиги, иншо ёзувчи ҳар бир ўқувчида келажақда жамиятдаги ўз ўрнини қандай тасаввур этиши ҳақидаги мустақил фикр-ларини ёзма ифода этиш кўникмалари-ни шакллантириш.

синфдан-синфга кўчириш тартиблари ва яқини аттестациядан ўтказиш бўйича йўриқнома" асосида ва 2001 йил 23 мар-тада 44-сонли буйруқда белгиланган муддат - 4 июнда барча умумий ўрта таъ-лим мактабларининг 11-синфларида (тан-ловнинг биринчи босқичи) ўтказилади. 7 июнгача голиблар аниқланиб, 1, 2, 3-ўрин-ларни эгаллаган иншолар туман халқ таъ-лими бўлимларида етказиб берилди. Туман халқ таълими бўлимларидаги ко-миссиялар мактаблардан олинган иншо-ларнинг энг яхшиларини аниқлаб, таълим тиллари бўйича 1, 2, 3-ўринларни эгал-лаган иншоларни буйруқ билан асослаб, 20 июнгача вилоят ХТБ га етказилади.

Вилоят халқ таълими бошқармасидаги комиссиялар ҳам туманлардан йилгилан иншоларнинг энг яхшиларини аниқлаб, 1, 2, 3-ўринларга сазовор бўлган ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, қирғиз ва турк-ман тилларида ёзилган иншоларни, бун-дан ташқари рағбатлантирувчи ўринлар-ни эгаллаган ўзбек тилидаги энг яхши бта иншонни махсус буйруқ билан вази-рлик комиссиясига 25 июнгача юборади.

ИНШОЛАРНИ БАҲОЛАШ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА ТАНЛОВ МЕЗОНИЛАРИ

Иншоларни баҳолаш учун туман, вилоят босқичида мавжуд ўқув тиллари бўйича алоҳида комиссиялар тузилади. Уларнинг таркибига аттестация (имтихон) комисси-яси аъзоларидан ташқари мактабларнинг энг тажрибали тарих, география ва иқти-содий билим асослари фанлари ўқитув-чилари ҳам киритилади ва ҳар бир бос-қичда мактабда мактаб директорининг, ту-манда туман халқ таълими бўлимининг, вилоятда вилоят халқ таълими бошқар-масининг махсус буйруқлари билан тасдиқ-ланади.

Иншолар юқорида қайд этилган йўриқ-нома ва амалдаги баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. Бундан ташқари, тан-ловга тақдим этилган иншоларни ҳолис-она баҳолаш ва энг яхши ишни танлаш мақсадида қўшимча танлов мезони жорий этилади.

Танловга тақдим этилган ҳар бир иш учун алоҳида баҳолаш варақалари тўлдирила-ди, аттестация комиссияси ва ҳакамлар томонидан имзоланиб, иншо билан бирга танловнинг юқори босқичига тақдим эти-лади.

ИНШОНИ ЁЗИШ ВА БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ

Иншо Халқ таълими вазириликнинг 1997 йил 28 февралдаги 53-сонли буй-руғи билан тасдиқланган "Ўқувчиларни

— вилояти, туманидаги —сонли мактабнинг 11-синф ўқувчиси нинг иншолар танловига тақдим этилган ишини баҳолаш варақаси

т/р	Иншога қўйилмайдиган талаблар	қўйилмайдиган баллар	
		максимал	минимал
1.	Иншо ёзиш талабларига рояэ этилганлиги	5	1
2.	Унинг шакли ва мазмунан мукамаллиги, мақсаднинг тўлиқ очиб берилганлиги	5	2
3.	Имловий саводхонлиги	5	1
4.	Услубий саводхонлик даражаси	10	2
5.	Мавзунинг ҳаётий фактлар асосида ёритилиши	10	2
6.	Иншо мазмунига тарихий, адабий-бадий, публицистик ва бошқа материалларнинг сингдириллиши	10	2
7.	Иншонинг оригинал услуби ва бошқа иншолардан ажратиб турадиган жиҳатлари	10	2
Жами:		100	12

ГОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

Иншолар танловининг барча босқичи-да 1,2,3-ўринларни эгаллаган голиблар мактаб, туман, шаҳар халқ таълими бўлимларининг фахрий ёриқлари ва қимматли совғалари билан мукофотла-надилар.

ча иншолар орасидан 3 та биринчи, 3 та иккинчи ва 3 та учинчи ўрин ва рағбат-лантирувчи ўринлар таъсис этилиб, голиблар вазириликнинг дипломлари, қим-матбахо совғалари билан мукофотланади-лар. Энг яхши иншолар матбуот саҳифа-ларида ва Республика Таълим маркази то-монидан тўплам сифатида чоп этилади.

ТАРИХ ДАРСЛАРИДА МУАММОНОМА

ман. Улар орасидан ҳар томон-лама қобилиятли ўқувчини тан-лаб олиб, "ёш педагог" маҳора-тини тажриба асосида ўргата-ман.

Дарс жараёнида бажарилади-ган турли топшириқлар билим-ларни мустаҳкам ўрнаттириш воситаси ҳисобланади. Аввало ўқитувчи уйга берилган вазифа-ни ўқувчига эслатиб ўтиши ло-зим. Утган дарс-да ўтилган мав-зунинг янги мавзуга боғлаб тушу-тириш, ҳар бир ўқувчига тестлар берилди, бунини компьютерлар-дан фойдаланиб ёки телекўрс-атув асосида ҳам ўтказса бўлади. Айниқса, ўқувчилар кроссворд-лар ечишни ёқтирадилар. Улар-нинг бу кизиқишларини ҳисоб-га олган ҳолда тарих тушунча-ларини мустаҳкамлашда крос-свордлардан фойдаланаман.

Ўқитувчи ўқувчи нутқини ўсти-ришда расмларга қараб фикр юритиши ҳам зарур деб ҳисоб-лайман, чунки дарсликларда рас-сомлар томонидан ишланган тасвирлар мавжуд, уни ўқувчига кўрсатиб воқеа-ҳодисалар моҳи-ят-мазмунини ёритиб беришга ундашимиз лозим. Бунда мақ-сад ўқувчи қалбида ижодий уй-

Ўқувчиларга дарс ёки синфдан та-шқарида ташкил этилган тўғрақ машғулотида ўтказилаётган суҳбат давомида куйидагича, Ма-салан: "Қани менга Амир Темур шажарасига қараб, ўз шажарани яратиб бер-чи?", "Сен қайси қавм-дансан, аجدодларинг тарихи ҳақида сўзлаб бер?" ва ҳоказо са-воллар берилса, ўқувчи тарихга янада қизиқади ва ижодий изла-нишга киришади. Бу билан ўқит-увчи факатгина ўқувчининг ғоявий-сиёсий дунёқарашларини шакл-лантиришга қолмасдан, унинг мурак қалбида миллий қадрият-ларимизга нисбатан ахлоқий фа-зилатлар—ҳалоллик, адолатчилик, меҳнатсеварлик, қамтарлик, йиғон ва эътиқод, ишонч, меҳр-муҳаббат-ни уйғунлаштира олишига имкон яратди.

Яна шунини таъкидлаш лозимки, ўқитувчи қўлайдиган методик усуллар ўқувчиларнинг эркин фикр-лаш қобилиятларининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга битта тари-хий мавзунини турли усул-воситалар билан очиб бериши мумкин. Ма-салан: 6-синфда "Ўзбекистон тар-ихи" фани бўйича бир соатлик эт-нографик маълумотлар асосида ўтиладиган аралаш дарс режаси

Агарда янги мавзу "Тақрорлаш" дарсига тўғри келса, бунда дарс давомидаги болларни ёки ўқит-увчи ўзи бирор тарих фанига мос мавзунини танлаб олса ҳам бўлади, албатта, бунинг ҳам режаси ол-диндан доскага ёзиб қўйилади. Масалан:

- 1) Саволлар ечимини.
 - 2) Тест билан ишлаш.
 - 3) Расмларга қараб фикрлаш.
 - 4) Ҳужжатлар тилга кирганда.
- Шу аснода ўқувчиларимиз-нинг тафаккур дунёсининг шакл-ланишига, миллий аъналарим-из руҳида тарбия топишига яқиндан қўмақ берган бўлаемиз. Бунинг учун ўқувчи ёшларимиз-дан ҳаётий мисоллардан сабоқ олиш, тинмай изланиш, доимий ўқиш, синчилаб ўрганиш талаб этилади.

Демак, бу билан ўқитувчи ўқув-чиларнинг фикрлаш қобилияти-га таъсир этиш ва уларни баҳсга чорлаб, рағбатлантириб туриши, фикрларини очик-ойдин айтиш-га йўл қўйиши лозим.

Шоира ЮНУСОВА, Жиззах шаҳридаги 10-мактабнинг тарих-ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси

МАКТАБДА РЕЙТИНГ

нинг ОНларни бундай устма-уст топшириши уни анча қий-наб қўяди, толиқтиради, чар-чатади. ОНларни режалаш-тириш, чораклар бўйича жой-лаштириш ва миқдорини бел-гилаш муаммолар мавжуд.

Агар ўқувчи чорак давоми-да ОН ва ЖН (жорий назорат)ларни низомида белги-ланган миқдордан (масалан, 1 соатлик ўқув фани учун бир чоракда 1 та ОН ва 3 та ЖН) кам ёки ортик миқдорда топ-шириш, ўқувчининг чорак ре-йтингини ҳисоблаш ўқитувчи-да муаммо туғдиради. Ўқув-чи назоратлар сонини 1 тагу кам топширса ҳам унинг ре-йтинги анча пасайиб кетади, агар 1 та ортик топширса, чораклик максимал балдан кўп бўлиб қолиши мумкин.

Масалан, 1 соатлик мусика фанидан ўқувчи бир чоракда 4 та ЖН (белгиланган мей-

ёрдан битта ортик) ва 1 та ОН топширган бўлиб, ундан куйидагича баллар тўплан-ган бўлсин: 5+4+5+4+9=27 балл. Низомидаги мейёр бўй-ича 1 соатлик фанга чораклик максимал балл 25 бўлади. Бундай ҳолда ўқувчига чорак учун қандай балл қўйиш му-

Давлат таълим стандарт-ларининг бажарилишини тах-лил қилиш бўйича мактаб ички назорати, туман, вило-ятнинг ташқи назоратлари ўтказилади. Бу назоратлар моҳияти билан ОНга тенгдир. Демак, улар 10 баллик ти-зимда ўтказилса, чоракда ОНлар миқдори мейёридан ошиб кетиб, яна юқоридаги-дек ўқувчининг чорак рейти-нги чораклик максимал бал-дан ошиб кетиши муаммоси ту-ғилади.

Рейтинг тизимига мос синф журналида ўқувчининг чораклик ва йиллик умумий рейтингини ёритувчи жадал ажратилмаган. Бу ўқувчининг рейтинг табелида ҳам ўз ак-сини топтоғи лозим. Шунингдек, тез орада ўқувчи-ларнинг рейтинг дафтарини ишлаб чиқиш, уни мактаблар ва ўқувчилар кўлига етказиш

МАКТАБДА РЕЙТИНГ

чораларини кўриш зарур. Чунки ўқувчининг рейтинг дафтари назоратдаги ошкоро-лик, ҳақдорлик, икки то-монлама кузатуви таъмин-ловчи муҳим воситадир. Шу билан биргаликда уни тайёр-лашда илгариги қундалик дафтардагидек қамчиликлар, яъни ўқувчи томонидан ҳар кун ишдан-узук тўлдирили-ши керак бўлган ёзувлар-дан холи бўлиши, содда, их-чам, ўқувчи юритиши учун қулай қилиб чиқарилиши ке-рак.

Рейтинг тизимини таҳлил этиш, унинг ошқорайиблигини таъминлаш, мониторингини юритиш, ҳисоблов тайёр-лаш, рейтинг ойналарни чи-қариш учун зарур бўлган жад-валлар, андозалар, форма-лар тайёр ҳолда чиқарилиб, мактабларга етказиш чора-ларини кўриш зарурати ту-ғилмоқда.

Б.САЪДУЛЛАЕВ, Қўработ туманидаги 31-ўрта мактаб директори ўринбосари



Мана бир неча йилдир-ки, Ўзбекистонда амал қилиниб келинаётган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва юртимиз истиқ-лоли учун баркамол, етук кадрларни етказиш мақ-садида ишлаб чиқилган "Қадрлар тайёрлаш мил-лий дастури" босқичма-босқич, йил сайин ҳаёти-мизга сингиб бормоқда. Натижалар эса барчанга кувонтиради. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз — Қибрай туманидаги 48-умумий ўрта таълим мак-таб фаолияти мисолида бугунги таълим-тарбия масканларида ўқитиш, тарбия ва тадбиркорлик ишларининг нақадар бир-бирига монанд ҳолда та-шқил этилганлиги ҳамда

ушбу уйғунлашув бераётган натижалар хусусида тўхта-ламиз.

— Мактабимиз 1997 йил январь ойидан бошлаб Қиб-рай туман халқ таълими бўлими "Ўқув комплекси"га айлантирилди, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори А.Туёқбоев. — Унинг таркибидеда бошлан-ғич таълим (I-IV синфлар), таянч таълим (V-IX синф-лар) ҳамда ўрта таълим (X-XI синфлар ва КТМ) бўйича таълим-тарбия ишлари ташқил этилди. Албатта мамлакатимиз таълим ти-зимидеда амалга оширилаёт-ган ислохотлар бу соҳада шаклан ва мазмунан сези-ларли ўзгаришларни қилиши талаб этмоқда. Бугунги кунга келиб бу

ҲАРАКАТДАН

ўқув комплексимиз базаси-да мавжуд устакхоналар, улардаги техник ускуналар, анжомларни асраб-авай-лаб, ўқувчиларимизни ҳозирги кун талаби—қасб-га йўналтириш борасида улардан оқилона фойдала-наямиз.

48-мактаб ҳовлисини, унинг ўқув бўлиmalarини кузатар эканмиз, ҳақиқат-дан ҳам биз у ерда ўзи-га хос манзаранинг гу-воҳи бўлдик. Бир жой-да бошланғич синфлар, иккинчи жойда юқори син-флар биноси, тўртинчи жойда эса юқорида таъ-кидланганидек, ўқув-ишлаб чиқариш комбинати. Гўёки, узлуксиз таълимнинг кичик бир механизми.

Ҳа, мактабда қўлаб иб-ратли ишлар амалга оши-рилмоқда. Уларнинг энг муҳими илм даргоҳида ўқувчилар билим олишса, бундан ташқари эса мактаб ҳовлисидаги 4-сонли ўқув ишлаб чиқариш марказида турли қасб-хўнара сир-ас-роларини эгаллашади. Бунга болалар илк кунлар-данок йўналтирилди. Бундан ташқари мактаб

жамоаси ўқув даргоҳини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон чорвачилик ил-мий текшириш институти-нинг ташландиқ кафесини туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлари, тадбир-корлари ҳомийлигида, ота-оналар ва ўқув комплек-си педагогик жамоасининг саъй-ҳаракати билан қай-та реконструкция қилинди.

1999 йилда туман ҳокимлиги, Май қишлоғи фуқаролар йиғини ҳуду-дидаги бир қанча ташқи-лотлар, корхоналар ва тадбиркорларнинг беғараз ёрдами билан қаровсиз ётган 2,5 гектар майдонда

ажойиб спорт комплекси барпо этилди. Унда фут-бол, волейбол, баскетбол майдонлари, югуриш йўлакчалари, теннис кор-ти, оқик бассейни ва сау-на ўқувчиларнинг бўш вақ-тларида спортнинг энгил атлетика, футбол, волей-бол, баскетбол, теннис, сузиш ҳамда турлари бил-лан соғ-ломлаштириш гу-руҳларига бирлашиб мухтазам шуғулланишлар-ига имконият очиб бер-ган. Албатта, бундай яра-тилган қўлайликлар мак-таб жамоасининг улкан ютуқларни қўлга кири-

Maktablar hayotidan

Ҳайвонларнинг ҳар куни бошланғичи олдидан давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда эса қалбим ғурурга тўлиб, мени жаҳон майдонларига чоғалаётгандай бўлаверади.

"Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур" шiori остида ўтказилаётган "Олимпиада ўқувчилари-2001" спорт мусобақаларининг якуний финал учрашувларига санокли кунлар қолди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

КОСИМЖОНОВ ИЗДОШЛАРИ БАҲСИ

"Олимпиада ўқувчилари-2001" дастуридаги мусобақалар орасида шахмат бўйича бахслар юксак савиядаги кесил курашларга бойлиги билан ажралиб турди. Қатнаш-

чилар ичида Антон Филиппов, Жўрабек, Хамроқулов, Темур Гареев, Юлдаш Хамроқулова каби халқаро миқёсдаги бахсларда иштирок этиб, галаба қозонган уста шахматчилар борлиги ўйинларнинг янада бахсларнинг орасида иқтидорли спортчилар кўп экан. Тенгдошларим ўртасида, ҳатто, жаҳон чемпионатида ҳам голиблик учун муносиб даввоғарлар борлигинан хурсандман.

мени жаҳон майдонларига чоғалаётгандай бўлаверади. Александр ДЮГАЙ, ёшлар ўртасида стол тенниси бўйича Венгрияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг қатнашчиси, Андижон вилояти вакили:



ларга катта эътибор қаратган Президентимизга, ҳукуматимизга, ушбу мусобақалар ташкилотчиларига чукр миннатдорчилик билдираман.

ОМАДЛИ ЖАМОАЛАР ФИНАЛДА

"Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур" шiori остида ўтказилаётган "Олимпиада ўқувчилари-2001" спорт мусобақаларининг якуний финал учрашувларига санокли кунлар қолди. Шу кунларда бўлиб ўтаётган мусобақалар эса жамоаларнинг ярим финал ўйинларида иштирок этиш масалаларини ҳал этмоқда.

Газетамизнинг ўтган 39-сонидида "Ўзбекистон спортининг келажақ юлдузлари" сарлавҳали мақолада сиздан спорт иштирокчилари ва мусобақаларда иштирок этаётган жамоалар тақдирини билан қизиққан мушаррафларимиз спортнинг 7



Сирдарё, Наманган, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилоятлари жамоалари совринли ўринлар учун бахсларни давом эттиришди.

дирё 83:10 Тошкент вилояти-Навоий 36:67 Бухоро-Фарғона 30:66 ҳисоблари ўйин якуний натижаларига кўра қайд этилди. Энди ярим финал бахсларида Тошкент шаҳри, Наманган, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари жамоалари қатнашади.

ВОЛЕЙБОЛ

Мусобақаларнинг волейбол тури бўйича яқин кунларда бўладиган финал ўйинларида ўғил болалар жамоалари ўртасида Бухоро — Тошкент вилояти, Қорақалпоғистон республикаси — Фарғона, Хоразм Навоий, Сурхондарё — Самарқанд, Андижон — Наманган, Тошкент шаҳри — Сирдарё вилоятлари вакиллари ўзаро бахсларда иштирок этишади. Ушбу турнир қиз болалар ўртасидаги бахсларда эса медаллар учун курашда Жиззах — Қашқадарё, Сурхондарё — Хоразм, Андижон — Қорақалпоғистон, Навоий — Наманган, Тошкент шаҳри — Фарғона, Сирдарё — Хоразм вилояти жамоалари иштирок этишади.

СТОЛ ТЕННИСИ

Мусобақаларнинг энг биринчи саралаш ўйинлари якунланган стол тенниси бўйича бўлиб ўтган бахсларда умумжамоа ҳисобида совринли ўринлар учун Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Тошкент вилояти, Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро вилоятлари 23-24 май кунлари бўлиб ўтаётган финал ўйинларида иштирок этишади.

Мусобақалар давом этмоқда. Хусид НИШОНОВ, Баҳодир ЖОВЛИЕВ, "Ma'rifa"нинг махсус мухбирлари

Xullas...

Йиқилди, хушига келди, гипсланди

Агар сиз парашютдан илк бор ерга қунишда муваффақиятсизликка учрасангиз, билингки, спортнинг бу тури сиз учун эмас. Бу мулоҳаза 20 ёшли Линда Хурлид ҳақида ўз аксини топти. Деб ҳабар берди "Би-Би-Си" радиоси. 1300 метр баландликдан илк бор парашютдан узини отган қизга омад кулиб боқмади, на асосий ва на заҳиралаги парашют очилиб, унинг унғай жойга қунишини таъминлади. Бахтсизликка қарши Линда омон қолиб, шифокорларни хайратга солиди. Қувурғаси синиб, улпаси жиндек ёрилган ва мияси чайқалган қиз учта ҳолатни бошдан кечирганини қайта-қайта таъкидламоқда. Саломатга мишиш, йиқилиши ва касалхонага тушиб, гипсланиши...

СОХТА ДИПЛОМ ПАНД БЕРДИ

Молдавия бош прокуратурасига мутлақо қўтилмаган тергов иши тушди. Айбдор парламент депутаты, Молдавия христиан-демократлар партиясининг аъзоси Владимир Реусдир. Купчиликнинг назарда бўлиб юрган бу шахс узок йиллар мобайнида сохта дипломдан фойдаланиб келган экан. Кишинёв политехника институтини "тамомлаган" ва "инженер-механик" муҳассиллигини "эгаллаган" бу жаноб яна битта имкониятдан фойдаланмоқчи эди. Яъни у Кишинёв юридик академиясига имтиҳонсиз қабул қилиниши ҳуқуқини қўлга киритиши арафасида эҳтиётсизлик қилиб, ўз айбини ушбу фойдаланиш билан қўриқиб, унинг ҳужжатлари худдикидан қайтарилиб, жиноий иш қўзғатилди. Ҳаётда сохталик билан эмас, ҳақиқий яшашга нима этсин?

ИЛОН ИЛОНЛИГИНИ ҚИЛДИ...

Краматорскда аjoyиб томоша! Судралиб юрчи-ларнинг аломат "хунар"лари томошаси бир ойдан бери давом этмоқда. Илон, ургинчак, калтакесак ва ҳоказо жониворлар билан шугулланадиган ишқибозлар ҳам ойна орасида барчани хайратга солаётганлардан хурсанд. Бехосдан Миср қобраси ўз боқувчисига ташланиб, чақиб олганида, томошабинлар нима қилишларини билмай қолишди. Афтидан, илон ўз эгасига яхши урганмаган экан... Илон чакнадан биринчи тез тиббий ёрдам курастиши ҳеч ким билмагани ажабланиш. "Тез ёрдам" этиб келиб, Виталий Беликин касалхонага элтиди, афсуски, унинг сақлаб қолишолмади. Шифокорларни хайратлангирган нарсаси, ҳайрон ургувчиларнинг зарурат туғилганда биринчи ёрдам курастишини билмасликлари бўлди.

ana shunaqa gaplar...

Қашқадарё вилояти Чирчиқ туманидаги 30-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Юсупов Беход номига берилган О'РА 720802 рақамли ўрта маълумот ўқирисидидаги шаходатнома йўқолганини сабабли бекор қилинди.

Тошкент шаҳар Яксарой туманидаги "Skat-M" хусусий куриеш фирмаси тугатилади. Давлолар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой муддат ичида қуйидаги маънода қабул қилинади: Тошкент шаҳар, М.Ўқубова кўчаси 43-уй.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хуна таълим маркази жамоаси "Соғлом авлод қамолоти ва гуманитар таълим бўлими" бошлиғи Майля Лафасовга қайинотаси

Алимардон ота МУҚИМОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилди.

Table with 7 columns and 7 rows showing sports results for 'A' group.

Table with 7 columns and 7 rows showing sports results for 'B' group.

Гуруҳ ўйинлари натижасига кўра, Самарқанд, Жиззах, Тошкент шаҳри ва Сурхондарё жамоалари совринли ўринлар учун, қолган жамоа-

лар 5-14-ўринлар учун кураш олиб борадилар. Фойиб ва совриндорлар бугун маълум бўлади.

СПОРТГА ОШНО ҚАЛБЛАР ДЎСТЛАШМОҚДА

Маълумки, шу кунларда Тошкент шаҳри республикамик ўқувчилари орасида энг сара спортчи ўғил-қизларни бир жойга тўплаган. "Олимпиада ўқувчилари-2001" спорт мусобақаларида "Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур" шiori билан спортга ошно қалблар бир-бирлари билан дўстлик, эзгулик ва юрт келажағи учун бирлашиб ҳаракат қилишга чақирмоқда. Шу кунларда мусобақаларнинг 1-тури ўз ниҳоясига етмоқда. Лекин асосийси бу эмас. Ўқувчилар бугун галаба учун эмас, аксинча кўпроқ дўстлар орттиришга охишмоқда. Албатта, бу мусобақаларнинг ҳам қизиқарли ўтишини таъминлаётди. Биз ушбу мусобақаларнинг биринчи маротаба ўтказилаётганлигини инobatга олиб, биринчи иштирокчиларнинг бу борадаги фикрларини билши мақсадида бир нечта спортчилар билан суҳбатда бўлдик.

Назокат ДАДАМИРЗАЕВА, спортнинг волейбол тури бўйича мусобақаларда иштирок этаётган Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманидаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси:

ГОЛИБЛИК РУҲИНИ ТАРБИЯЛАЁТГАН КУРАШЛАР

—Мен дастлаб Наманганда ўтказилган олийгоҳ талабаларининг "Универсиада-2000" спорт мусобақаларига келган талаба-спортчиларни кўрганимда қалбимда исён туриб, уларга ҳавасим ортиди ва мен ҳам келажақда олийгоҳга ўқишга кириб албатта ана шундай нуфузли мусобақаларда қатнашаман деган истак пайдо бўлди. Лекин бу истаким давлатимизнинг ёшларга бераётган эътиборлари туфайли эрта рўбга чиқди. Поезддан дастлаб Тошкент шаҳрига илк қадам қўйганимдаёқ ўзимда гуруҳ ҳиссини туйдим.

Мадина АЮБОВА, спортнинг стол тенниси бўйича Наманган вилоятинан ташриф буюрган, стол тенниси бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони:

—"Олимпиада ўқувчилари-2001" спорт мусобақаларида иштирок этаётганлигимдан фахрланаман. Чунки, бу мусобақаларнинг энг биринчи иштирокчисиман. Ўйинларнинг ҳар куни бошланиши олдидан давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда эса қалбим ғурурга тўлиб,

ёшларга кўрсатаётган гам-ҳўрликларидан мамнунман. Бўлиб ўтаётган мусобақалар эса бизнинг келгусидаги ютуқларимизга муҳим омил бўлиб хизмат қилади деб ўйлайман. Энг муҳими биз бу ерда кўплаб дўстлар орттирдик. Энди келгусида ҳам улар билан доимо бир-бирларимизга йўллаган хатларимиз орқали суҳбатдош, фикрдош бўламиз.

Наргиза ЮСУПОВА Термиз шаҳрининг 10-мактаб ўқувчиси, спортнинг кўл тўпи бўйича бахсларда иштирок этаётган Сурхондарё вилояти вакили:

— Ҳар бор мусобақалар олдидан байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграганда, шу заминга, шу юртга, халқимга бўлган меҳрим яна ўн қарра ошверади. Ҳаётимнинг энг унутилмас дақиқалари бўлаётган шу кунларни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Арсен ИЛЁСОВ, спортнинг баскетбол тури бўйича "Олимпиада ўқувчилари-2001" спорт мусобақалари иштирокчиси, Бухоро вилояти вакили:

Дўстларим сафи янада кен-



гайди. Умиди ҚУРБОНОВА, гандболчи, Ғузур туманидаги 53-мактаб ўқувчиси: —"Олимпиада ўқувчилари-2001" олимпияда ўқувчилари бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам улар билан доимо бир-бирларимизга йўллаган хатларимиз орқали суҳбатдош, фикрдош бўламиз.

тури бўйича бўлаётган бахсларнинг 14-19 майгача бўлиб вазият билан танишиб олган бўлсалар керак. Бугун эса улар кейинги ўйинлар натижалари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

КЎЛ ТЎПИ

(Киз болалар ўртасида) 19 май Тошкент вилояти-Қашқадарё 2:23 Сирдарё-Сурхондарё 11:17 Қорақалпоғистон Республикаси-Жиззах 17:6 Самарқанд-Бухоро 23:0 Андижон-Навоий 13:10 Тошкент шаҳри-Фарғона 35:13

20 май Бухоро-Андижон 0:17 Фарғона-Самарқанд 16:24 Сурхондарё-Қорақалпоғистон Республикаси 12:24 Қашқадарё-Сирдарё 10:27 Наманган-Тошкент вилояти 17:4 Хоразм-Тошкент шаҳри 3:26 муросасиз кечган ўйинлар натижасига кўра Самарқанд, Хоразм, Андижон,

19 май Сирдарё-Фарғона 15:19 Наманган-Бухоро 19:5 Тошкент вилояти-Жиззах 20:17 Самарқанд-Сурхондарё 15:16 Андижон-Навоий 15:10 Тошкент шаҳри-Қорақалпоғистон Республикаси 25:15

20 май Жиззах-Самарқанд 13:5 Қорақалпоғистон Республикаси-Тошкент вилояти 29:18 Фарғона-Наманган 19:22 Навоий-Сирдарё 13:24 Қашқадарё-Андижон 13:16 Хоразм-Тошкент шаҳри 9:24

Мусобақаларда энг кўп очко йиққан жамоалари голиблик учун курашларни давом эттиришди.

БАСКЕТБОЛ

Ушбу мусобақаларда ҳам жамоаларнинг беллашувлари муросасиз кечмоқда. Бу турда: 19 май Тошкент-Фарғона 83:40 Навоий-Жиззах 70:17 Тошкент вилояти-Бухоро 38:104 20 май Тошкент шаҳри-Қашқадарё 83:10

ШЕЪР САЪВАТЛАРИ

Шунга кўра, ийҳомли мисраларнинг мазмунини муҳожаза қилайлик. Биринчи мисранинг мазмуни икки хил: Кўёш туш пайтида сени кўриш учун қуйилишиб кета бошлади. Кўёш сени тушида кўриш учун ботди.

Иккинчи мисранинг ҳам мазмуни икки хил: Ой кечаси унинг жамолига боқиб тонггача қолиб кетди. Ой кечаси унинг жамолига боқиб хайратларга чўмди.

Алишер Навоий ҳақди равишда: Агар хосса маъно гар ийҳом эрур, Анинг қунда юз байти ҳалвом эрур — деган эди. Мазкур санъат навоиёна сеҳрпардозлик намуналари билан безалганини қуйидаги байтдан муҳожаза қилайлик:

Бош қўйи, дедим оёғи туфривига. Деди: "Қўй". Бўса истаб лаъли рангин сўдум, эрса. Деди: "Ол".

Байтдаги "Қўй" сўзида маъқуллаш, бош қўйишга розилик маъноси ва аксинча, "бош қўйма" деган буйруқ ҳам бор. Иккинчи мисра сўнггидаги "Ол" сўзи эса, бўса беришга розилик ва "қизил" маъноларини ифодалямоқда. Ийҳомларнинг катта бир анъанавий туркуми борки, шоирлар бунда куй номлари билан шаҳар (жой) номларида ийҳом қўллаганлар (Ироқ, Ҳижоз, Исфажон сингарилар).

ТАРДИ АКС САЪВАТИ

Матндаги санъат байт мазмунига дахл этса, маънавий санъат саналади. Сўз, биримка, гап, мисра, байт такрорлари ларфий (сўз) санъат ҳисобланади. Тард

атамаси "такрор" деган маънони ифодаляйди. Тарди акс — тескари такрор демакдир. Шоир байтда икки сўзни ишлатиб, кейин уларнинг ўринларини алмаштириб такрорласа, тарди акс санъати бўлади: Кўзунг не бало қаро бўлубтур, Ким жонга қаро бало бўлубтур.

Алишер Навоийнинг Мирзобек исми дўсти яратган ушбу байтда "бало қаро" сўзлари иккинчи мисрада "қаро бало" тарзида ўрин алмаштириб такрорланган. Зеҳн солсак, мазкур ўринда тарди акс санъати кўрсаткичлари оддий қайтариқ сўзлар бўлмай, иккинчи мисрада "қаро бало" — даф этиб бўлмайдиган даҳшатли бало тушунчасини ифодаляшда қўл келган, яъни мисра таъсирчанлигини кучайтирган.

Таниқди шоир Абдулла Ориповдан: Маъшаргача майлига кетай, Кетай майли бўлиб овора. Сени қўймай сўраса нетай: Ерда қолган севи бечора.

КИТОБАТ САЪВАТИ

"Китобат" харф, ёзув демакдир. Шоир байтда эски ёзувдаги харфлардан бирини келтирса ёки ёр эъзо-узварини айрим харфларга ўхшата китобат санъати бўлади. X синф "Ўзбек адабиёти" мажмуасидаги Огаҳийнинг қуйидаги байтига назар ташлайлик: Мушқин қошнинг ҳайъати ул чашми жаллод устина, Қатлим учун "нас" келтурур "нун" элтибон "сод" устина.

Байтдаги "нун" (н) ва "сод" (с) харфларининг келтирилиши харфий санъатларнинг китобат намуна-сидир. Алишер Навоийнинг қуйидаги рубойида ҳам китобат санъати мавжуд:

Ma'rifa ТАСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касбаи уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ Тахрир хайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъул-дирлар. «Ma'rifa»-дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-54-23. Газета материаллари «Ma'rifa-Madadkor» нашриётида терилди Pentium компьютерда Дидия БИНАШЕВА саҳифалади. Навбатчи муҳаррир: Хулқар ТҮЙМАНОВА, навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган. ИНДЕКС: 149, 150, 1-2417. Тиражи 26,518. Г. 1 2 3 4 5 6. Ҳақми 2 босяз табоқ. Обфест усулида босилган, қозғ бичими А-2. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона маънаси «Бухор Турон» кўчаси 41-уй. Босишга топшириш вақти — 20.00. Топшириш — 20.00.